

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Сирдарё МИҲДУК директори
З.Базаров
2022 йил

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

УМУМИЙ КИСМ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1. Умумий ҳолат

- 1.1 Ушбу танлов хужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўрингарда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов мавзуси: Гулистон тумани Тажрибакор МФЙ Нурчи берк кучасини жорий таъмирлаш лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш .
- 1.3. Танлов охирги қиймати – 2 600 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4 Талабгор ўз таклифини электрон танлашга жойлаштириши мобайнида унинг чегирмаси обьектнинг бошлангич қийматидан 5% дан кўп бўлган тақдирда таклиф буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.
- 1.5 Танлов таклифидаги кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.
- 1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов хужжатларининг техник кисмida келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

2 Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи – Сирдарё МИҲДУК

(бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.4 Танлов камидаги етти аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин, 4.2-банда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

- танлов шартлари билан танишиш учун маълумот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
- танлов хужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;

4.2 Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;

"Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш; ягона реестрда виждонсиз ижрочилар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлганлар.

4.3 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш. давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини кўллаш;

иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолациз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга.